



Халқ Сўзи



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

27 апрель, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 80 (1082)

Вазирлар Маҳкамасида

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ ИСПОХОТЛАР

26 апрель куни Вазирлар Маҳкамасида республика Бош вазири А. Муталов раислигида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг мажлиси бўлди.

Унда вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, маҳалла кўмиталарининг раислари, тадбиркорлар иштирок этишди.

Мажлисида Президент Ислам Каримовнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар асосида иқтисодий

ислохотларни чуқурлаштириш йўллари, шунингдек, иқтисодийнинг давлатга қарашли бўлмаган секторини ривожлантиришда, «Корхона-маҳалла» тамойилини амалга оширишда маҳаллий бошқарув органлари билан тармоқ ҳўжалик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиришни кўчатириш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

Шунингдек, мулкка оид объектлар ва ер участкаларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш ишидаги нуқсонлар

ри учун тармоқларнинг, айрим корхоналарнинг, маҳаллий бошқарув органларининг раҳбарлари танқид қилинди. Чунки бу нуқсонлар республикада иқтисодий ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Мажлисида республика Президентининг давлат маслаҳатчиси, назорат инспекциясининг раҳбари М. Мирқосимов, Бош вазир ўринбосари В. Чжен сўзга чиқди. Мажлис пировардида Бош вазир А. Муталов муҳокама натижаларини умумлаштириб, дарҳол ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазифаларни кўрсатиб берди.

(ЎЗА).



Шаҳрисабз туманидаги очиқ тилдаги савдо ҳиссасдорлик жамиятига қарашли агросаноат мажмуасининг дастлабки навбати ишга тўйиб, маҳсулот чиқара бошлади. Ҳозирда мажмуада ўн уч киши меҳнат қилмоқда. Улар пеленче, новот, парварда, ирис сингари 30 хилдан ортиқ ширинликлар тайёрлаб, пешма-пеш савдо дўконларига чиқараяптилар.

СУРАТДА: ширинлик тайёрлаш устаси Нилуфар Қайумова.

Ш. ШАРОПОВ
(ЎЗА) олган сурат.

ҚОНУН УСТИВОР БЎЛИШИ КЕРАК

Навоий вилояти ҳуқуқ тартибот, солиқ ва мудофаа органлари фаолларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

Унда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги вазифаларнинг бажарилиши муҳокама этилди.

Йиғилишда, вилоят ҳоқими Х. Гафоров сўзга чиқди.

(ЎЗА).

СЕМИНАР КЕНГАШ

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳам ислохотларга муҳтож. Аммо унинг йўналишлари қандай бўлади? Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан Денов туманида бўлиб ўтган минтақавий семинар кенгаши ана шу мавзуга бағишланди. Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳридан келган тиббиёт раҳбарлари бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Умуман олганда янги шароитда тиббиёт хизматини ташкил этиш бўйича қизгин мунозаралар бўлди, қимматли тажрибалар ўртоқлашди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Р. Султонов ушбу анжуман ҳар томонлама фойдали ва самарали бўлганлигини таъкидлади.

Тождидин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭНДИ КОЛБАСАНИ «ҚЎЛБОСТИ» ДЕБ АТАСА БЎЛАДИ

Гулистонда гушти қайта ишлашга бағишланган республика семинар-курсамаси ўтказилди.

«Ўзбекбирлашув» тизими ходимларининг бу машваратида мамлакатимизда миллий усулда колбаса маҳсулотлари тайёрлаш муаммолари ҳақида гап борди. Дарвоқе, колбаса туркий «қўлбости» сўзининг бузилган талқини экан. Айни чоғда пештахталарда турган мақсулотларнинг барчаси ҳам соф мол ёки қўй гуштидан тайёрланган деб бўлмайди. Шу вақтгача колбасани чўчка гуштисиз тайёрлаб бўлмайди, деган фикр устивор эди. Гулистонда ташкил этилган кўргаз-

ма бу ҳулоса ўринсиз эканини далиллади. Мана бир неча йилдики, Сирдарё вилояти мағлубот жамиятлари уюшмасига қарашли гуштни қайта ишлаш корхоналарида мол ва қўй этидан мазаги колбасалар тайёрланаётди. Боз устига аҳолидан, фермерлардан гушт қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тўлашнинг нақд пулсиз мақбул йўли — мол айрибошлаш усулидан самарали фойдаланилмоқда. Бу ҳақда уюшма раиси Абдурахмон Солиев семинар иштирокчиларига батафсил гапириб берди.

А. ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Нукусда 1941-1945 йиллардаги уруш иштирокчилари ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларнинг катта бир гуруҳига фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги байрами муносабати билан тантанали вазиятда мукофотлар топшириш маросими бўлди. Уларга юбилей медаллари, шунингдек, фахрий унвон берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва ёрликлар топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков топширди. Мукофотланган номидан сўзга чиққанлар кўрсатилган гап-сўзларни эшитиб, мукофотларни ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков топширди. Мукофотланган номидан сўзга чиққанлар кўрсатилган гап-сўзларни эшитиб, мукофотларни ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков топширди.

(ЎЗА).

У КУНЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Пойтахт вилояти кенгаши депутати, бригадир Х. Азимовнинг халқа йўли бўйидаги дала шийони байрамона безатилган. Ногорога қарнай сурнай садолари янграпти. Мезонларнинг ҳеч қандай ҳурданчиликлари байрак бўлиб турганини сезиш қийин эмасди. Икки қўллари кўксига уруш фахрийларини кутиб олишарди.

Кеча Тошкент туманидаги Охунбоев номида жамоа ҳўжалигида Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан шу атрофда истиқомат қилаётган 200 дан зиёд уруш қатнашчиларини ана шундай бир пайла аё устида сўхбатга чорлашди. Уруш даҳшатлари, суронли йиллар машаққатлари эсланди. Туман ҳоқими Р. Акбаров голиб собиқ жангчиларни кўтлади. Келес автотранспорт корхонаси байрам арасида ота-хонларни Самарқанд ва Бухорога саҳафатга олиб бориш ниятида транспорт ажратилган бўлди. Санъаткорлар гуруҳи учрашувга фойз киритишди.

И. ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ИСТИҚЛОЛ» ҚУПОЧ ОЧИМОҚДА

Ришондаги кўп тармоқли «Истиқлол» хусусий корхонаси жамоаси туманида янги уй-жойларни бунёд этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.

Корхонада тайёрланган қурилиш материаллари сони ҳам, салмоғи ҳам кундан-кун ортиб бораётди.

Айни пайтда «Истиқлол» корхонаси бир кунда тайёрлаб бераётган 115 кубометр бетон, 80 кубометр оҳақли қоришма, 20 минг дона гипс ва тахта, ёғоч каби бошқа қурилиш ашёлари истеъмолчиларга етказиб бериляпти. Айниқса, уй-жой ку-

раётганлар, кўча ва хёбонларни ободонлаштираётганлар бундай хизматдан жуда мамнун бўлишмоқда.

Корхона эгалари эндиликда тошни қайта ишлайдиган заводни қуриш режаси устида иш олиб боришни мўлжаллаб турибди. Завод ишта тушгач, 200 нафар қишлоқ аҳолиси қўшимча иш ўрнига эга бўлади.

Ўз мухбири.

ЁДГОРЛИК БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Сирдарё вилоят ҳоқимининг қарорига асосан Гулистон шаҳридаги маданият ва истироҳат бонди уруш қатнашчилари хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуи бунёд этиляпти. Фашизмга қарши урушда сирдарёликлардан 4 минг киши ҳалок бўлган эди. Ёдгорлик мажмуида ана шу уруш қўрбонлари, байналмилалчи жангчилар номи абадиёлаштирилади. Ёдгорлик ғалаба байрами арасида очилади.

Тадбиркорликка кенг йўл

Сиз етти баҳодир ҳақидаги халқ эртагини эшитганми-сиз? Уларнинг не машаққатлар ва мақсад сари иттиллаш-ю, узок сафар довомида ганимларни мағлуб этиши ва ала-оқибат биродарлар бошида толе кўшининг чарақлаши эсингиздами? Мабодо, бу халқимиздан фаромуш бўлган эрса, эшитинг, сиз сизга уни яна бир қарра сўйлаб берамиз. Фақат буниси сал замонавийроқ...

Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, Тошкентда й шаҳри азимдаги 1-уйсозлик комбинати тасарруфидаги ишлаб чиқариш технологик мажмуи бошқармасида етти баҳодир ишлар экан. Бошқарма ҳудуди катта бўлганлиги боис уларнинг иш жойи ҳам, касби ҳам турлича; бир-бирлари билан дардиҳол қилишга эса вақтлари бўлмас экан. Бу ҳолни кўпчилик билмас экан. Аммо бошқарма бошлиғи муовини Анатолий Шур бундан сезиб юрарди. Бир кун у Улугбек Жўрабековни хузурига чақирди:

— Улугбек, — деди бо-сиқлик билан, — панжаларни бирлаштирса, шапалоқ бўлади, тугса — мушт. Қайси бирининг зарбаси кучли бўлишини ўзинг биласан. Бир иш бор. Уйлаб кўрсам, бун узингдан бошқа эплаймайди. Йўқ дема. Темир-бетон буюм-

лари заводи ҳудудида бир цех ташкил қилсак. Керамзит гиштларга бугунги кунда эҳтиёж катта. Қолаверса, ҳукуматимиз тадбиркор-

ЕТТИ БАҲОДИР

ларга кенг йўл очиб бераяпти, имкониятлар яратаяпти. Бу бизнинг қўлимиздан қелади. Сен рози бўлсанг, қийинчиликлардан қўчиманг — бўлгани, қолганини кейин биргаликда ҳал қилаверамиз. Дарвоқе, биродарларингга ҳам маслаҳат солишни унутма.

Улугбек ҳа дейишни ҳам, йўқ дейишни ҳам билмай қолди. Анатолий Григорьевич шундай оҳангда гапирдики, гўёки эртага иш бошлаш керак. Шундай экан, орқага чекиниб бўлмайди. Хуллас, ош пишиди. Ҳасан Абдуллаев уста бўлади-

қанчалик елиб-югурмади, дейсиз. Қўлингизда пулинг бўлган билан ҳозир бир нарса ундириш ниятида мушкул эканлигини ҳис этди: кимгадир бир гапирасан — ишинг битмайди, икки гапирасан — яна шу аҳвол. Шунда англайсанки, битта гап етишмайди, иккитаси ортиқчилик қилади, демак, бир яримта гапни топши керак!

Бир ой деганда ишлар юришиб кетди. Ҳозир цехда кунига 1,5-2 мингта керамзит гишт ишлаб чиқарилмоқда. Харидорлар ҳам етарли. Даставвал 2,26, 31-

қурилиш бошқармалари билан шартнома тузилган. Ҳозирги кунда кичик корхоналар ва ён-атрофдаги аҳоли ҳам маҳсулотнинг «ҳидини» сезиб қолишди. Бошқа жойлардан харид қилинган гиштларнинг сифатсизлиги, тез синувчанлигини сезганлар айни пайтда бу ердан маҳсулот олиш учун навбатда туришибди.

— Бу ишимизнинг бош-

моқда. Ишлаб чиқариш ҳажми ошган сайин моддий манфаатдорлик ҳам ошиб борапти.

Участка бошлиғи билан цех бўйлаб айланамиз. Иш қизгин. Бир томонда тайёр маҳсулотлар гарам.

— Шаҳарда қад ростлаётган биналарни кўриб, ўз ишимдан қувониб кетаман, — дейди Улугбек. — Ахир қувонмай бўладими, шонир айтганидек, улкан иморатга битта гишт қўйиш ҳам бахт.

Етти баҳодирнинг кунлари шу зайлда кечмоқда. Уларни кўпчилик билмаслиги мумкин, аммо Ҳамза туманида шундай бир қайноқ иш жойи мавжудлигини ҳис қилсалар бўлган.

...Аладхусус, етти баҳодир ўз мурод-мақсадларига етидилар. Бироқ бизнинг замонавий эртагимиз ҳали туғгани йўқ. Насиб қилса, унинг давомининг бироз мўлдарт ўтач, «Минг бир кеча» даги Шаҳризод айтганидек, қўёш ботиб, юдузлар чарақлаган кечада — устанининг иши янада ривож топиб, уларнинг харидорлари юдузлардек қўнайган кунда айтиб берамиз.

ЖУШКИН.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАЛАР



КОМПЬЮТЕРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Фаргона вилоят «Тадбиркорбанк» биносида илк бор замонавий компьютер техникалари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмани «Комтек» Фаргона кичик корхонаси, «Тадбиркорбанк» вилоят бошқармаси ҳамда янги технологияларни очиб Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ҳамкорликда уюштирди. Кўргазмада Американинг «Сан майкросистемз» корпорациясининг энг замонавий компьютер техникалари тадбиркор ва ишбилармонлар, хусусий мулк эгалари, ишлаб чиқариш мутахассислари ҳўкмига ҳавола этилди.

ҚУРИЛИШДА БУРИЛИШ

Пойтахтнинг кўчаларида дўстлик кўчасидаги салкам ўн йилдан буйи қурилиш аяқланмай, чала қолб кетган ўн икки қаватли турар-жой биноси, ниҳоят, истикомат қилувчиларга шу йилнинг июль ойида топшириладиган бўлди. Чунки бу ишни «Топчиқарулиш» ҳиссасдорлик жамиятининг 3-қурилиш бошқармаси ўз бўйи билан олиб берибди.

Ҳозирнинг ўздадек бу ерда қурилиш-монтаж ишлари аяқланган.

СУРАТДА: том ёвуви Бектургул Бекев.

СУРХОН — СТЕВИЯНИНГ ЯНГИ ВАТАНИ

Ўтган йил Музработ туманидаги «Қўнроп», Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа ҳўжалиқларида тажриба учун стевия қаламчлари қадалган эди.

Маматқул Бегматовнинг томорқасидаги ўсимлик қишининг 18 даражали сувига чидади. Тажрибали деҳқон стевияни уч хил шароитда ўстирди. Очиқ далада, полиэтилен қўлиқаси тағдида очиқ ҳолда қолдирилган ўсимлик қишдан омон чиқди.

Энди стевиянинг кентроқ далада экса бўлади. Шакарўтининг субтропик иқлими Сурхон воҳасида фойдали моддалар миқдорини кўп тўплайди, бир йилда 5-6 марта ўриб олинши, энг муҳими, очиқ далада этиштирилиши стевиянинг янги ватани Сурхонда эканидан далолатлади.

НАМАНГАНДА СУПЕРМАРКЕТ ОЧИЛДИ

Наманганнинг марказий кўчаларидан бирида очилган бу маърузидан деярли ҳамма нарсани: ичкандан тортиб, меза-сабзавотгача харид қилиш мумкин. Маҳаллий савдо-харид уюшмаси вилоятдаги дастлабки ана шундай магазини ташкил этилиши ташаббускоридир.

Ундан ортиқ бўлим ва секцияларга эга бўлган янги савдо марказининг бир ойлик товар оборотини бир йрим миллион сўмга етказиш мўлжалланмоқда. Харидорларга вилоят ташқарисидан келтирилган турли-туман маҳсулотлардан ташқари, вилоятдаги кичик корхоналар, цехлар, хусусий фирмаларда тайёрланган жуда кўп маҳсулот ҳам тақлиф қилинади. Магазин қошидаги цехлар ҳам яхши ишламоқда. Бу цехларда ярим тайёр озиқ-овиқ, қанполат маҳсулотларига бўлган буюртмалар бажарилади, аҳолидан ортиқча қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сотиб олинади.

АРЗОН БАҲОЛАРДА

Олтинқўл туманидаги Мадийбек қишлоғида янги ташкил қилинган «Саодат» хусусий кичик корхонаси қишлоқда миллий ҳўжалиқчиликни тиклаш ва саноатни ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозирги кунда бу кичик корхонада 20 га яқин қишлоқ ёшлари гилам, налос, шовча тўқиб ишлаб шузуллаявлятилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аҳолига иветибан арзон нархларда сотилмоқда.

Корхона ўз фаолиятини амалда кенгайтириш мақсадига «Мадийробод» жамоа ҳўжалиқидан бир тектар ер олади. Ерга эртани қарам, помидор ва бошқа сабзавотлар экилади. Олашмақ ҳосили тайёр маҳсулотга айлантириб сотишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кичик корхона жамоаси сабзавотлардан консерва ишлаб чиқариладиган ҳеч қурилиш режалаштирилмади.

СУРАТДА: тўқувчи Гулчехра Тожиева.

ЯНГИ ҲОСИЛГА ЯНГИ КОМБАЙНЛАР

Тошкент вилоят қишлоқ ҳўжалиқини таъминлаш-таъмирлаш ишлаб чиқариш бирлигаси Россиянинг «Ростсельмаш» заводидан буюртма бўйича дастлабки юта «Нива» комбайнини олди.

Вилоятда бу йил 86 минг тектар сўғориладиган майдонда бошқоқли дон экинлари парвартишланмоқда. Ғаллакорлар ўрми-йитим мавсумини йитирма иш кунинда туғатиш ва ҳосилдан бўшаган майдонларга қисқа муддатларда такоррий экинлар янгилик режалаштирган. Бунинг учун яна қўшимча равишда 1'0 та комбайн, 200 та хайдов трактори керак бўлади. Буюртма қилинган бу қишлоқ ҳўжалик техникаси ҳам яқин орада Россиядан етиб келади.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАЛАР

Ўзбекистон ва жаҳон

Корея халқи деярли 40 йил мобайнида Япония мустамлакачиларининг зулми остида эзilib келди. Иккинчи жаҳон уруши охирида Япониянинг мағлубиятига учрашганига натижасидангина бу халқ озодликка эришди. Лекин у икки давлат ва икки тузумга бўлиб юборилди. Биринчи шимолӣ — Корея Халқ Демократик Республикаси, иккинчиси жанубӣ — Корея Республикасидир. Корея Республикаси 1948 йилнинг 15 августида мустақил давлат деб эълон қилинди. Унинг ҳудуди 99,1 миң квадрат километр бўлса-да, 44 миллиондан ортиқ аҳолиси бор. Шундан 11 миллион киши пойтахт — Сеулда, 70 фоизи эса тоғли туманларда яшайди.

Бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ниҳоятда ўзига хос. Чунки у узок йиллар мобайнида мустамлака азовини бошидан кечирган маҳкам қўлга олинишни сўнг қўлоқ давлатдан илгор мамлакатга айланган. Келажги аниқ ва равшан ушбу давлатни бугунги кунда «Тўрт аждаҳо» ёки «Осиё йўлбарси» деб аташмоқдаки, «таракқиёт сари сакраётган йўлбарс» тимсоли тўғрирокдир.

Хўш, бу давлат қандай қилиб қисқа вақтда тез ривожланиш йўлига ўтиб олди? Унинг қайси тажрибаси бизнинг республикамиз учун фойдали?

60-йилларнинг бошида Жанубий Кореяда ҳам иқтисодийдаги стратегия ўзгарди: саноатни экспортга мўлжаллаб мослаштириш бош мақсад қилиб қўйилди (Туркия ҳам шундай қилганди). «Йўқолсин қашшоқлик!» гоёси таракқиётнинг бош шиори қилиб олинди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Кореянинг иқтисодий ривожланиш йўли қўйилган омилларга бевоқифлик:

1. Давлатнинг иқтисодий бошқаришга фаол аралашуви, айниқса, субсидия ва паст фоизли кредит (қарзлар) берилиши; ишчиларни текин қайта ўқитиш; саноат тармоқларини ривожлантириш.

2. Иқтисодий стратегиянинг тўри танлангани, унинг экспортга мўлжаллангани (чунки табиий ресурслар кам).

3. Мамлакатда билимдон ва интизомли ишчи курачларнинг етарли даражада мавжудлиги. Бу яққо ягона реал омил эди. Натияжада чет эл капитални ёрдамида аҳоли ишга жалб этилди. Ва 80-йилларнинг ўрталарида ишчи-хизматчиларнинг маошлари сунъий равишда паст ҳолатда ушлаб турилди. Масалан, кореяликларнинг маоши Америкадагига қараганда 9-10, япониялик ҳамкасблариникидан эса 4-5 марта кам эди.

70-йилларнинг бошида Пак Чхон Хи раҳбарлиги остида 20 йиллик ривожланиш режаси қабул қилинди. Унга кўра, чет эл молия воситаларини қўллаш тўғрисида экспортга мослашган ишлаб чиқариш юзга келди. Кўп йилларга мўлжалланган иқтисодий стратегия эса 1962 йилдан бошлаб беш йиллик режалар асосида (1-беш йиллик 1962-1966 йиллар) олиб борилди.

Шу даврда индустриалнинг биринчи босқичи (1963-1969 йиллар) амалга оширилди. Чет эл капитални ички капитал қўйилmalarининг 44 фоизини, импортнинг тенг ярмини ташкил этди. АҚШ, Япония ва бошқа давлатлардан, Осиё ривожланиш банки, Халқаро валюта фондидан 13 миллиард долларлик давлат заёмлари олинди. Унинг асосий қисми (70 фоизи) саноат ривожини таъминловчи инфраструктурага (йўллар, алоқа, сервис, коммуникация) сарфланди. Хуусий кредит (қарзлар) эса жиддий талаблар асосида нисбатан қисқа муддатга берилди. Бу маблағлар асбобу-ускуна ва технологияларни сотиб олиш, яъни ишлаб чиқариш асосини кенгайтириш ҳамда хорижий ишлаб чиқаришни таъминлашга ишлатилди. Саноат, умумий машинасозлик, кимё соҳалари ишбилармонлик капитали интибарга ўтди. Агар

ишлаб чиқаришни ташкил этишда америкалик компаниялар хал қилувчи куч ҳисобланган бўлса, хизмат соҳасини, шунингдек, мураккаб техник маҳсулотлар технологиясини йўлга қўйишда японияликлар етакчилик қилдилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, чет эл капиталига ишонининг ижобий томони билан бирга салбий оқибатлари ҳам мавжуд. Бу биринчи навбатда экологик хавфни оширади, ички табиий ресурсларни бошқаришнинг ўртасида Кореянинг таш-

мобиль, «Лакки-Голдстар»да эса химия ва электроника воситалари тайёрланади. Умуман, мамлакатда йилга 15 миллионга рағли телевизор, 2 миллион 50 миң автомобиль, 33 миллион тонна чўян ва пўлат, 3,4 миллиард квадрат метр синтетик мато ишлаб чиқаришмоқда. Миллий маҳсулот ишлаб чиқариш эса 1962 йилдан бошлаб ҳар йили 8 фоиз ўсиб, 2,3 млрд. доллардан 330 млрд. АҚШ долларига етди. Жон бошига ҳисоблаганда эса бу кўрсаткич 82 доллардан 7466 долларга кўтарилди! Аммо 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида иқтисодий ривожланиш суръати анча пасайди, инфляция кучайди, тўлов баланси ҳолати ёмонлашди. 1993 йилнинг февралда Корея Республикасининг Президенти этиб сайланган Ким Ён Сам иқтисодийни қайтадан жонлантиришни бош вази-фа қилиб қўйгач, «Янги иқтисодий» дастури қабул қилинди. Қисқа муддатли (100

1 гектардан кам, 28,7 фоизи эса 1-2 гектар ерга эга. Бу соҳада тарихий анъаналар сақланиб қолган, консерватизм кучли. Тўғри, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳот қилиш бўйича анчагина ишлар қилинди, маҳсулотнинг товарлиги кескин ошди. Аммо деҳқонлар ҳамон ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволдаги гуруҳ ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари импорт қилиниши оқибатида маҳаллий аҳолининг турмуш шароити яхшиланмаётди.

Мамлакатда дон (шоли) асосий экин ҳисобланади. Шоли етиштириш 80 фоиз ўсиб, талаб тўла қондирилган. Ҳатто унинг бир қисми экспорт қилинмоқда. Кейинги йилларда арпа, буғдой, картошка етиштириш ҳамма кескин қисқарди, аммо соя тайёрлаш миқдори кўпайди. Шу билан бирга, сазбавочилик (карам, пийёз, саримсоқ) ва мевачилик (олма, нок, шафтоли, узум, апельсин) ҳам

— Сеулдаги «Сонг» университети билан Тошкент давлат иқтисодий университети ўртасида илмий излашлар олиб борилмоқда.

Олий ўқув юртрларидаги талабалар сони қатъий чекланган бўлиб, абитурунтни қабул қилишда юқори даражада ўрта мактабга ўзлаштириш баҳолари ва давлат квалификация имтиҳонларида олинган баллар кўзда тутилади. Булардан ташқари, қўшимча таълим олишнинг икки шакли, яъни ёшлар ва катталар учун жамоатчилик асосидаги институтлар ҳамда қисқа муддатли техник курслар ёки малака ошириш курслари мавжуд.

Университетда сиртдан ўқийдиганлар беш йиллик таълимни кунига радио орқали 15 минут давомда бериладиган лекциядан олади. Синов ва имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар уй хўжалиги, савдо-саноат, педагогика ва жамоатчиликни бошқариш бўйича мутахассисликка эга бўлишади.

Корея Республикаси ва Ўзбекистоннинг тарихий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожидан муштарак жиҳатлар кўп (Тарих тақозоси тўғрисида республикамизда 200 миң нафар корейс истиқомат қилмоқда). Аввало, ҳар икки мамлакатнинг аҳолиси меҳнаткаш, болажон, узок йиллар давомида Буюк ипак йўли орқали бир-бирлари билан савдо-сотик алоқаларини йўлга қўйишган, пировардида эса маданий, илмий-маърифий яқинлик юзга келган.

Корея республикамиз мустақиллигини биринчилар қаторида тан олди ва биз билан ҳар томонлама алоқаларни кучайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов икки бор Кореяда, (иккинчи давлат ташири чоғида (1995 йил 15-17 февраль) Сеулда юртбошимизга Кореянинг энг олий нишонини — «Мугунхва» катта ордени топширилди). Корея Республикаси Президенти Ким Ён Сам Ўзбекистонда давлат ташири билан бўлганларида иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтириш борасидаги муҳим хужжатларга имзо чекилди. Ҳозир бунинг самарасини кўриб турибмиз. Масалан, «ЎзДЭУ электроник» Тошкентдаги «Зенит» корхонаси билан ҳамкорликда «Зафар» телевизорни ишлаб чиқармоқда. Андижон вилоятининг Асака шаҳрида эса «ЎзДЭУ авто» заводи куриляётди. Бу ерда 1996 йилдан бошлаб йилга 200 миң нафарга яқин русумдаги машиналар ишлаб чиқарилади. Улар комфортбелли бўлиб, энг кам бензин сарфлайди (100 километрга — 4,5 литр).

Юқорида таъкидланганидек, Корея чет мамлакатлар билан ҳамкорликка интилувчи мамлакатдир. Агар Корея бугун МДХ давлатларида 100 миллион долларлик сармоя қўйган бўлса, шундан 80 миллион доллар Узбекистонга берилди. Қишлоқ хўжалиги, телекоммуникация ва радиоэшитириш, таълим, сайёҳлик соҳаларида муҳим шартномалар тузилган. Ўзбекистон ва Корея пойтахтларини боғловчи ҳаво йўли очилди. 1993 йилда икки мамлакат ўртасида 83 миллион долларлик савдо қилинган бўлса, бултўр бу кўрсаткич 200 миллион доллардан ошди.

Ўзбекистон эркин бозор муносабатлари оламига кириб борар экан, кичик ва ўрта корхоналарни тезлик билан барпо қилиш йўлини танлади. Бу соҳада Корея тажрибаси бизга қўл келадди.

Ҳозир Кореяда қарий 600 дан ортиқ олий ўқув юрти ва 126 та тўла бўлмаган профессионал коллеж бор. Буларнинг кўпчилигида иқтисод мутахассислиги бўйича малакали кадрлар тайёрланади. Шулардан бири



Ядвиге хола кейинги йилларда қуноқ болалиги ўтган, Ёшлиқнинг қуноғу таъинларига ошно бўлган дийр — Польшани тез-тез эслайдиган бўлиб қолди. Халлар, ўтмиш йилларнинг хотиралари унинг кўнглига таскин беради. Бир-биридан ичириниб чеваралари кулагиси дилига ёруғлик солади. Кейин меҳр билан жўфти ҳалоли — Муҳаммаднинг акага тикилади. Сочларини кўрас қолмабди. Чехрасидан нур ёғилади. Янаям сабабамли, улугвороқ бўлиб қолганими-ей. Шу чоғ кўзлар кўзга тушади. Нимадир ёқиланади. Бу уша 53 йил муқаддам дилларида пайдо бўлган муҳаббат эканлигига ишқалалари ҳам амин бўлишади.

... Польша чегарасидаги ўрмонда қаттиқ жанглар борарди. Фашистлар ҳавдан совет армияси қисми жойлашган Злово қишлоғини бомбалар ёмғири остида қолдириди.

Ҳаво ҳужуми тўхтагач, агроф жимликка чўмди. Шу ердаги Подброее станцияси навбатчиси Вацлав Жеймо ўрнидан туриб, уст-бошини қоқди. Ойла-дагилар саломатлигини биллиш ниятида уйига шошди. Йўлда унинг кўзи тупроқлар остида ётган офицер папкасига тушди. Ушга таниш бўлган тиббиёт хизмати капитани Кўқонбоев шу папка билан юрвчи эди. Вацлавнинг юраги жиг этди. Ахир дилкаш ўзбек йигити унинг дилига ўрнашиб қолганди. Озгина юрмасдан гиштар ораназор қилувчи бўлиб хизмат қилди. Бомбардимон пайтида оёғидан яраланиб, жароҳатини ўзи даволади. Сунгра тиббиёт хизмати катта лейтенанти сифатида санитария назорати текширишларида ҳамда қақшатиқ жангларда иштирок этди. Польша чегарасидаги жанг унинг учун сўнги олишув бўлиши мумкин эди. Агар Ядвиге ордени орасида Вацлав қўлини чўзмаганида...

...Капитан бир ойда оёқга турди. У Жеймолар оиласига ўғилдай бўлиб, улардаги меҳр, муҳаббат дилига муҳрланиб қолганди. Яд-

ПОЛЯК ҚИЗИНИНГ МУҲАББАТИ...

Ўзбек ўғлонини жангтоҳларда омон сақлади



етди. Балким эндигина 16 ёшга қалам қўйган поляк қизининг муҳаббати Муҳаммаднинг юрагига ўшанда чўғ ташлагандир. Ҳар қалай ошурта қалбларнинг дил ришталари ўша кезлардан боғланди.

Ядвиге хушсурат, сочқўларини тим қора ўзбек йигитига парвона бўлиб қолди. Кечалари мижжа қоқмай дарига шифо излади. Тўғри, ўн гулдан бир гули очилмаган қизча ҳали Муҳаммаднинг ҳақида кўп нарс билмасди. Аммо унинг поляк халқи озодлиги учун жонини фидо қилишдан қайтмасликка аҳд қилган мард ўғлон эканлигини англаб турарди.

...Муҳаммаднинг Кўқонбоев Андижонда туғилган. У сафарбарликнинг илк кунлариданоқ Самарқанддан Қушқога кетаётган ҳарбий эшелонга бошчилик қилди. Сунгра Москва — Ленинград (Санкт-Петербург) ўраминида эшелонларнинг санитария ҳолатини назорат қилувчи бўлиб хизмат қилди. Бомбардимон пайтида оёғидан яраланиб, жароҳатини ўзи даволади. Сунгра тиббиёт хизмати катта лейтенанти сифатида санитария назорати текширишларида ҳамда қақшатиқ жангларда иштирок этди. Польша чегарасидаги жанг унинг учун сўнги олишув бўлиши мумкин эди. Агар Ядвиге ордени орасида Вацлав қўлини чўзмаганида...

...Капитан бир ойда оёқга турди. У Жеймолар оиласига ўғилдай бўлиб, улардаги меҳр, муҳаббат дилига муҳрланиб қолганди. Яд-

Т. СИДИҚОВ,
Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
Андижон вилояти.
Суратда: Муҳаммад-жон Кўқонбоев ва унинг турмуш ўртоғи Ядвиге хола оила аъзолари билан.



«ОСИЁ ЙЎЛБАРСИ»

Ёхуд Корея Республикасининг иқтисодий ривожланиш модели

ки қарзи 46,8 миллиард долларга тенг эди. Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ Корея унинг бир қисmini тўлаб, 1990 йилда 28,5 миллиард долларга туширди. Ҳозир бу кўрсаткич атиги 1,6 миллиард долларни ташкил этди. Янги қарзлар эса янги технология ва бошқаришни йўлга қўйиш мақсадларига сарфланаётди.

Жанубий Кореяга хос яна бир хусусият шуки, унда ички бозор тор бўлиб, тайёр маҳсулотларни сотиш қийин. Шунинг учун «Экспорт-иқтисодийнинг ҳаракатлантирувчи кучи» деган ақида кўчмон. Дастлабки пайтларда арзон тўқимачилик маҳсулотлари, парик (энг ажабланарлиси шуки, Кореяда ҳеч ким ундан фойдаланмайди), фанера экспорт қилинган бўлса, ҳозир микроэлектроника, атомат ва информатика воситалари, автомобиль ва маламалар четга сотилмоқда. Экспорт иқтисодийнинг «кўзгуси» ва «локомотив»га айланганини рақамларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, 1962 йилда экспорт 41 млн. долларни ташкил этган бўлса, 1993 йилда бу кўрсаткич 82,2 млрд. долларга етди.

Кореяда иқтисодий жараёнларнинг давлат томонидан тартибга солиниши (5 йилликлар) оқибатида давлат-монополия тизими пайдо бўлди. Унга кредит ва солиқ, экспортни қўллаш ва импортни чеклаш, молия соҳасини қаттиқ назоратга олиш, пул муаммосини банклар орқали тартибга солиш ва ниҳоят, йирек ер ости бойликларини қазиб олиш, инфраструктура, хизмат соҳаларини бошқариш киралди.

Давлатнинг иқтисодийдаги фаол иштироки натижасида миллий монополиялар сони кўпайди. Бугунги кунда дунёдаги 500 та йирек корхонадан 11 таси Кореяда жойлашгани бунинг исботидир. «Лакки-Голдстар» («Кимсон»), «Самсон», «Хёнде», «ДЭУ», «Сонкен» шунлар сирасига кириб, «Самсон»да электроника, «Хёнде» ва «ДЭУ»да авто-

қишлоқ хўжалигида муҳим ўринни эгаллайди. Тармоқда механизация кенг қўлланилган бўлса-да, қўл кучи ҳамон устивор. Шу сабабли, деҳқонларнинг бир қисми хонавайрон бўлапти. Чорвачилик эса жуда суст ривожланаётди. Аммо, денгиздан олинган маҳсулотлар озиқ-овқат рационалида муҳим ўрин тутади. Унинг бир қисми экспорт қилинади.

Кореяда транспорт, банк тизими, ташқи иқтисодий алоқалар ҳам юксак ривожланган бўлиб, бу соҳада у жаҳонда биринчи ўнликка кирилади. Давлат банклари билан бирга хуусийлари ҳам мавжуд.

Кореяда миллий даромадининг 3-6 фоизи фан таракқиётига сарфланмоқда. Шунингдек, бу ерда, анъанага кўра, таълимга алоҳида эътибор бериляпти. Кўп асрлар давомида раҳбарлар ўз лавозимларида фақат давлат имтиҳонини асосида тайинланган. Ҳозирги даврда ҳам бунга бош масала сифатида қаралмоқда. Чунки иқтисодий ва техникавий ривожланиш учун маалакали кадрлар зарурлиги ҳамма эътиборда турибди.

Кореяда жаҳонда энг саводдон халқдир. Мана шу далилнинг ўзи мамлакатда эришилган ютуқнинг бош омилли эмасмики? Шуниси диққатга сазоворки, таълим ягона давлат субсидиялари асосида куриланган.

Таълим тизими бошланғич (6 йиллик), ўрта (3 йил), юқори даражадаги ўрта мактаб (3 йил), 4 йиллик коллеж ёки университетдан иборат. Шу босқичлардан ўтган толиблар аспирантурага кириб ўқишлари, докторлик илмий даражасини олишлари мумкин. Шунингдек, тўла бўлмаган 2 йиллик коллеж ва махсус техник билим юртрлари ҳам мавжуд.

Ҳозир Кореяда қарий 600 дан ортиқ олий ўқув юрти ва 126 та тўла бўлмаган профессионал коллеж бор. Буларнинг кўпчилигида иқтисод мутахассислиги бўйича малакали кадрлар тайёрланади. Шулардан бири

қишлоқ хўжалигида муҳим ўринни эгаллайди. Тармоқда механизация кенг қўлланилган бўлса-да, қўл кучи ҳамон устивор. Шу сабабли, деҳқонларнинг бир қисми хонавайрон бўлапти. Чорвачилик эса жуда суст ривожланаётди. Аммо, денгиздан олинган маҳсулотлар озиқ-овқат рационалида муҳим ўрин тутади. Унинг бир қисми экспорт қилинади.

Кореяда транспорт, банк тизими, ташқи иқтисодий алоқалар ҳам юксак ривожланган бўлиб, бу соҳада у жаҳонда биринчи ўнликка кирилади. Давлат банклари билан бирга хуусийлари ҳам мавжуд.

Кореяда миллий даромадининг 3-6 фоизи фан таракқиётига сарфланмоқда. Шунингдек, бу ерда, анъанага кўра, таълимга алоҳида эътибор бериляпти. Кўп асрлар давомида раҳбарлар ўз лавозимларида фақат давлат имтиҳонини асосида тайинланган. Ҳозирги даврда ҳам бунга бош масала сифатида қаралмоқда. Чунки иқтисодий ва техникавий ривожланиш учун маалакали кадрлар зарурлиги ҳамма эътиборда турибди.

Кореяда жаҳонда энг саводдон халқдир. Мана шу далилнинг ўзи мамлакатда эришилган ютуқнинг бош омилли эмасмики? Шуниси диққатга сазоворки, таълим ягона давлат субсидиялари асосида куриланган.

Таълим тизими бошланғич (6 йиллик), ўрта (3 йил), юқори даражадаги ўрта мактаб (3 йил), 4 йиллик коллеж ёки университетдан иборат. Шу босқичлардан ўтган толиблар аспирантурага кириб ўқишлари, докторлик илмий даражасини олишлари мумкин. Шунингдек, тўла бўлмаган 2 йиллик коллеж ва махсус техник билим юртрлари ҳам мавжуд.

Ҳозир Кореяда қарий 600 дан ортиқ олий ўқув юрти ва 126 та тўла бўлмаган профессионал коллеж бор. Буларнинг кўпчилигида иқтисод мутахассислиги бўйича малакали кадрлар тайёрланади. Шулардан бири

ИХТИРОЧИ ЁШЛАР КҮРИГИ

Тошкент шаҳрида хўнар-техника билан юртрлари ўқувчиларининг «Электр пайванди» касби бўйича республика куриятлаво бўлиб ўтди. «Энг моҳир мутахассис» деб номланган мазкур танловда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ташриф бурюрган 28 нафар ўқувчи қатнашди.

Иқтидорли ёшлар узаро уч босқич бўйича баҳсга киришдилар. Шунингдек, уй топириқларини намойиш этиш жараёнида ўзлари тайёрлаб келган ихтироларини ҳаётда қўллаш усуллари ва нималарга қодирлигини айтиб виторина саволарига жавоб бердилар.

Командалар ўртасида Наманган вилояти биринчи, Тошкент вилояти иккинчи, учинчи ўринни эса Тошкент шаҳри вакиллари эгаллашди. Голибларга Халқ таълими вазирилик томонидан тайёрланган диплом, соврин ва фахрий ёрликлар топширилди. Эндиги куриятлаво миллий хўнарандчилик касби бўйича Фарғона волиёсида ўтказилди. Унда иқтидорли ёшларимиз қайта тикланаётган наққошлик сирларида ўзларини синаб кўрадилар.

Саидхўр ҲУЛОМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.
Абдухалил РАЗЗОҚОВ,
профессор.
Шавкат РЕЖАПОВ.

"БАРИШ-ТИЖАРЕТ"

Шўба ширкати Тошкент шаҳридаги омборидан Туркиядан келтирилган халқ истеъмолчи молларини нақд пулсиз тўловларда тўндан сотади.
Маълумот учун телефонлар: 41-00-72, 41-01-72.

аша

ФИРМАСИНИНГ ЭЛЕКТРОНИКАСИ



«Болалар дунёси» дўконининг "аша" бўлими

М2, Абдулла Тўқай к., 5. Телефон (3712) 32-11-43

Узр ФА Микробиология институтини жамоаси институт директорининг илмий ишлар бўйича муовини, биология фанлари доктори Ж. Топшўлатовага онаси
Мастура ТОШПҲАТОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.
Санъатшунослик институтини раҳбарият ва жамоаси қабулхона котибаси С. Раҳматуллоевга онаси
Машхура РАҲМАТУЛЛАЕВанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Акссано ЧИҚИМИ ЧАҚМАЙДИГАН БЎЛСИН

Маълумки, ҳар бир одамнинг тўй ҳақида ўз қарашлари, шахсий фикрлари бўлади. Лекин шуниси қизиқки, кўпчилик тўйлардаги исрофгарчиликни тан олгани ҳолда ўзи тўй қилганда расомадли, ортиқча сарф-харajatларсиз, даб-дабасиз ўтказмайди.

Маҳалла-қўй, қавму-қариндош нима деркин, деган андишага борадими ёки қатордан қолгиси келмайдими, бунга айтиш қийин. Халқимиз битта бўлгани билан тўйларимиз хилма-хил ўтар экан. Бир гал Касби туманига йўлим тушганида дўстларим қўяра-қўймай суннат тўйига олиб боришим. Пешин вақти бўлишига қарамай меҳмонлар ҳам, хизмат қилувчилар ҳам кўп эди. Дастурхонга ноз-неъматлар уйиб ташланган. Сизларда тўй кундуз кунни ўтадими деб сўрасам, бугун туман ва ҳўжалик раҳбарлари чақирилган, тўй эртага, деган жавобни беришди. Бундай ортиқча тadbирлар бошқа вилоятларда ҳам, Тошкент шаҳрида ҳам ўқрайди. Шукурки, ичкиликсиз ўтмайдиған «фаоллар йиғилиши», «маслаҳат оши», «куёвникида ош бериш» сингари одатларга эндиликда чек қўйилмоқда.

Барибир тўйларимизда исрофгарчилик кўп. Бу маҳаллий урф-одатлар, расм-русумлар билан боғлиқ бўлса, базиларини одамларнинг ўзлари кашф этишяпти. Фарона вилоятининг кўпчилик туманларига тўй ошига келган эркакларнинг ҳар бирига хонадон эгалари катта дастурмолга 6 тадан нон тугиб беришар экан. Битта ошига камияда 150-200 киши келишини ва уларга кетадиган дастурмой билан нонни кўз олдинингиза келтириш. Сурхондарё ва Бухоро, Сирдарё ва Жиззах, Хоразм ва Андижон томонларда, аҳолисининг кўпчилигини ўз-

беклар ташкил этувчи Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида ўтказиладиган тўйларда ҳам ҳадидан ошиб қолган мавжуд.

Тўйларда ош тарқатиш ўзбекларга хос меҳмоннавозликнинг бир кўриниши, албатта. Лекин шундай яхши одатни кимўзарга, мусобақага, бели бақувватлар бойлигини кўз-кўз қилувчи воситага айлантирилиши кишини ранжитади. 100-120 килограмдан гуруч дамлаб, ош бериш ҳоллари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Қизиги шундаки, хонадон эгалари ошхўрларнинг кўпчилигини, улари эса тўй қилаётганларни танимайдилар. Ошга фалонча одам келди, деб мақтаниб юришса, бас.

Қишлоқ жойларда одамлар тўйхонага Тошкентгадек маълум бир вақтда эмас, эрталабдан кечгача биринкетин келаверишади. Узукун меҳмонларга пешвоз чиқиб кутиб олиш, дастурхон ёзиш осонми? Қайта-қайта ошват пиширишнинг, чой қайнатилишнинг, гоҳ ўтириб, гоҳ тикка туришининг ўзи билишми? Ҳолбуки, бунга режага солиш унчалик мушкул эмас. Қишлоқ оқсоқоллари, ҳўжалик раҳбарлари, фаоллар аҳоли билан суҳбатлашиб, ўзаро келишиб тўйга келувчилар учун бир вақтни белгиласалар, олам тулистон.

Аксарият тўйларимизнинг «муסיқий мажлисларга айланиб кетяётганига ҳам сир эмас. Уйин-кулги ўрнига гапонлик авж олиб, табриқларнинг кўпчилиги, даврбошининг маддоҳлиги меҳ-

монларни эриктириб қўймоқда. Бизнингча, келин ва куёв томондан ҳамда иш жойлари вакилларидан биттадан қисқача табрик сўзлар бўлса бас. Ушанда тўй тўйдек ўтади. Келин-куёвлар, улари-нинг ота-оналари шайнига ёпишмайдиган ҳамду-санолар эмас, балки тарбиявий аҳамиятга молик сўзлар айтилса, шеърлар ўқилса яхши бўлади.

Тўйларга 3-4 гуруҳ санъаткорларни таклиф этиш ҳам одобдан эмас. Сирасини айтганда бу ҳол манманлик ва мақтанчоқликнинг бир кўринишидир.

Дарвоқе, тўйларда ичкилик қўйиш керакми, йўқми деган масалани ҳам бир ёқлик қилиш керак. Шу кунларда чойнақларда чой ўрнига ароқ ва коньяклар тарқатилаяпти. Маҳалланинг сўзи кескир, баобрў фаоллари ҳам ожизлик қилиб қолишади бундай пайтларда. Ичкиликбозлик ҳам бир дард. Келинг, ундан халос бўлиш йўлларини биргалашиб излалик. Тўғри, ҳозирча ичкиликни тўйлардан бутунлай чиқариб ташлабмаётган эканми, лоақал микдорини камайтирайлик. Шунингдек, тўйларда пул сочилиши, ўн-ўн беш киши турнақатор тизилиб бойваччаларча бепи-сандлик билан пул кистиришларга ҳам барҳам бериш зарур.

Тўйларимиздаги бундай қатор исрофгарчиликларни бартараф қилишни шаҳар ва туман ҳокимликлари, маҳалла кўмиталари ўзларининг асосий вазифалари деб билишлари керак. Ҳозирча шундай қилинмаяпти. Ҳозирча тўй айримларга ёқяпти, чиқими эса чақяпти... Абдурайим ОТАМЕТОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатичи мухбири.

Косовойда Абдужаббор ота Мамажоновни танимайдиган киши топилмас керак. Отабоболари темирчи-хунарманд ўтган бу отахон бугун ҳам бақувват, халқ хизматиди.

— Беш авлодимиз шу оғир, лекин элга зарур касбда ишлаган, — дейди отахон. — Ҳисобласак оиламиз аждод-авлодларининг темирчилик қилишгагина 200 йилдан ошибди.

Халқ хунармандчилигини эъзозлаб келаятган отахоннинг фарзандлари ҳам падалари касбини эгаллашган. Уғларидан Ёқубжон пичоқ ясайдди, Иброҳимжон ҳам темирчилик хунарини пухта эгаллаб олган. Абдуваҳоб эса доимо отаси ёнида. Умуман бу темирчилик оиласи авлодлари қўлидан чиққан асбоблар кўпчиликка манзур.

СУРАТДА: Абдужаббор ота Мамажонов ўғли Абдуваҳоб билан иш устида. Т. ҲАМРОҚУЛ олаган сура.



МИКРОБИОЛОГИЯ ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

Юртимиз азалдан салохиятли олимлари туфайли дунёга машҳур бўлиб келган. Жумладан, кўзга кўринмас организмлар олами — микробиология соҳасида ҳам кўплаб алломалар ва шогирдлар тадқиқотлари бўлиб боришади, шу фан соҳалари бўйича шуғулланишади. Мустақил мамлакатимизда микробиологиянинг турли жаҳаларида олиб борилаётган илмий изланишлари мувофиқлаштириш, ходимларни долзарб назарий ва амалий муаммоларни ҳал этишга рағбатлантириш эҳтиши пайло бўлган эди. Яқинда республика Адлия вазирлигида рўйхатга олинган Микробиология жамияти ана шундай хайрли ишларга сафарбар қилинган. Шунингдек, жамият фанининг мазкур тармоғини жадал ривожлантиришга кўмаклашиш, илмий ходимлар ва мутахассислар тайёрлашни замон талаблари даражасида ташкил этиш, олий ва ўрта мактабларда ўқитишни такомиллаштириш ҳамда шу фан соҳасига доир билимларни тарғиб ва ташвиқ қилишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Айни пайтда республикамиз ҳудудида жамиятнинг бўлимлирини тузиш, унга аъзолар жалб этиш қизғин бормоқда. «Ҳозирча учта регионда ва пойтахтда бўлимлар тузилди, — дейди жамият бошқаруви раёсати раисининг муовини, профессор Қарамон Давронов. — Самарқанд, Фарғона ва Қорақўлғистондаги бўлимларда 250 га яқин аъзо рўйхатга олинди. Уларнинг сафида ўрта мактаб ўқувчисидан дунёга машҳур академиккача бор».

Жамиятнинг тузилиши қароргоҳи Женевада бўлган Бутунжаҳон микробиологлар уюшмасига республикамиз вакилларининг тент овозли аъзо сифатида иштирок этишларини таъминлайди. Шунингдек, дунё бўйича ахборот алмашиш ҳам замонавий даражада йўлга қўйилади. Ҳ. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КОМПЛЕЖГА АЙЛАНТИРИШ НИЯТИМИЗ БОР, АММО...

Маълумки, Темирўла транспортни мамлакатимизнинг асосий қон томири ҳисобланади. Арзон ҳамда камхарж бу соҳага мутахассисларнинг бир қисми Тошкент темир йўли техникумидан учирма қилинади. Бу илм масканида ҳар йили 2000 нафардан зид талаба талабот-машишти, машишти ёрдамчиси, симли алоқа, темир йўли транспортини автоматика ва телемеханика, энергия билан таъминлаш, радио ва радиотармоқ, изотермия ва совутич ҳўжалиги каби мутахассислар бўйича кундуз ҳамда сирдан таълим олишади.

Ушбу техникумнинг бузғун кундаги фаолияти, талабаларнинг мукамал билим олишлари учун яратилган қўлайликлар билан юқундан таъиниш мақсадида техникум директорининг муовини Мўхаммаджон Собиржонов билан мулоқотда бўлади.

— Уқув лабораториялари, техникум музейи, телловозларни ҳайдашни ўрганиш майдончаси талабалар ихтиёрига бериб қўйилган. Улар хоҳларган вақтларида, ўзлари мустақил машғулотларда қанашишади.

— Уқув масканида иқтидорли ўшларни рағбатлантириш ҳамда йўлга қўйилган?

— Узингизга маълумки, республикамизнинг барча олий ва ўрта махус уқув юртиларида истеъодли ўшларни тарбиялаш, улари рағбатлантириш учун «Президент», «Улугбек» номидаги стипендиялар жорий қилинган. Бизда ҳам иқтидорлиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Яқинда Узбекистон темир йўли корпорацияси томонидан махус стипендия таъсис этилди. У ҳар ойда аълочи ҳамда пешқадам ўқувчиларга бериб бериладиган бўлди. Бундан ташқари талабалар ўқишдан ажралмаган ҳолда ўрта Осиё Темир йўли транспортига қарашли «Локомотив» профлакторийида соғ-

лиқларини тиклашлари мумкин.

— Истиклолга эришганимиздан сўнг кўпгина мактаблар йилларга айланган. Айтинг-чи, сизларнинг ҳам техникумини коллежга айлантириш ниятларингиз борми?

— Ҳақиқат савол бердингиз. Тўғриси айтишда, анчадан буюн бу масала устида бош қотириб келаямиз. Бу тўғрида махус программалар ишлаб чиқиди. Лекин ном ўзгартириш билан бирон натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун коллеж системасига бошқича-бошқича ўтилгани маълумроқ деб ўйлайман.

— Билим юртида кўшни республикалардан келиб таълим олаётган ўшлар ҳам талабига экан. Уларни қўйиш қандай?

— Ҳа, улар кўпчиликини ташкил этади. Уқитиш пулики бўлиб, шартнома асосида олиб берилади, яъни ҳар бир талаба белгиланган микдорда маблағ тўлайди.

Сўбатдош: Файзулла БОБО ДўСТ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ҳайларга бўламан тутқин. Э. КУЛМУРОДОВ сура-лавҳаси.

Табиб ҳақида ҳикоят ОҚАРГАН СОЧ ҲАМ ЗИЙНАТДИР

Бир табиб бир улуг одамнинг олдига келиб: — Мен сенга учта нарса олиб келдимки, бу уч азиз нарса сендан ўзга зотга арзимайди, — деди. — Улар нима экан? — сўради улуг киши. Табиб баён қилди: — Биринчиси — соч

буяйдиган ранг. Бу ранг билан сочининг бир марта бўясанг, то умрининг охиригача оқармайди. Иккинчиси ҳазм дориси бўлиб, ундан истеъмол қилсанг, ҳар қандай қаттиқ овқатни ҳам бир онда тилкалаб ташлайди. Учинчиси, — шундай ажойиб дорики, ундан истеъмол қилганинда йигитлик давронинг қайтиб келди ва зебо паривашлар билан истаганигача айшу-ишратда бўлоласан.

Табиб сўзини тугатгач, улуг киши унга шундай деди: — Сен келтирган соч бугун айловнинг моёси ва мағрурликнинг нишонасидир.

нг шўйрим ҳам емоқдир. Ошқозоним ҳазмга қолдир бўлган овқатларни танлаб ейман. Учинчи дорингга келсак, бу дори шаҳват бандалари бўлган ахлоқ одамларга керак. Узининг зарурий оқарган соч ҳам зийнатдир. Мен оқ сочларимни қора зулматга алмашайман. Сен айтган ҳазм дорисига келсак, мен кўринган овқатни суриштириш уеравдиган одамлардан эмасман. Мени-

Ободонлаштириш

ОДАМ пайдо бўлибдики, гўзаллик ва нафосатга, бунёдкорликка интилиб яшайди. Эл-юртимиз ободлиги, ўлкамизда бог-роғлар кўпчилигини сабаби ҳам шундир, эҳтимол.

САМАРҚАНД азалдан фирдавсмонанд боғлар макони ҳисобланган. Минг йилча бурун юртимизга келган тарихчи Истахрий шундай ёзади: «Бирон тепаликка чиқиб, атрофга назар ташладиган бўлсангиз Самарқанд Сугдида, шунингдек Самарқанднинг ўзида ҳам нигоҳингиз кўламазорга ва ёқимли жойларга тушади. Унинг яқинида дарахтсиз тоғлар ва чанги қиқиб ётган даштлар йўқ... Унинг катталиги шунчаки, кўламазор ва боғлар орасидан саккиз кун юрасиз. Булар доимо сув оқиб турадиган ариқлар билан ўраб олинган яхлит боғлардир...»

Айниқса, соҳибқирон даврида Самарқанд жаннатмонанд боғлар дивёрига айланди. Айтишларича, унинг ўн тўртта боғи бўлиб, улари шаҳарни зумрад халқадек ўраб олганди. Бугунги кунда ўша муваззам боғларни қайта тиклаш, бу эзгу мақсад баҳона бўлди.

Бугун Чўпонотанинг тошшағал, гил тупроқли қирларида ана шу боғ яна тикланаяпти. 1994 йил 13 январда айлоти ҳокимининг қарори билан 145 гектарлик қир-адиқлар туман ва шаҳарларга бўлиб берилган эди. Қарорда кўрсатилганидек, вилоятнинг ҳар бири туман ва шаҳри вакиллари ўзларига тегишли майдонда чўйхона, меҳмонхона бунёд этишлари, қолган қисмида боғ яратишлари керак эди. Утган йилнинг баҳорига 108 гектар майдонга йигирма мингдан ортиқ мевали, 2500 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Паст баланд тепалиқлардан иборат, тош шағал ва гил туп-

роки далаи ўзлаштиришнинг осон эмаслиги маълум. Аммо «Кўз қўрқок — қўл ботир» деганларидек, муаммо ва қийинчиликларга қарамай, ушбу оқимлик билан иш бошлаб юборилди. Боғлар-у қурувчилар, агроном йўлсозлар бу ишда жонбозлик кўрсатдилар. Йўллар очилди, чегаралар белгиланди, ер текисланди. Бог ҳудуди панжарали девор билан ўраб олинди, Бодом, pista, гилос, олма, ўрик, шафто-лик, беҳи кўчатлари экилди. Айрим жойларда анжирзорлар, анорзорлар, узумзорлар яратилди.

Дастлаб кўчатлар машиналарда сув ташиб суғорилди. Ле-

кетди. Охири боғбун мисирлар ариқларга полизтилен ва металл қурувлар ўтказилди.

Самарқанд, Уругт туманларига тегишли ерлар катта йўлнинг шундоқ ёқасига жойлашган. Улар имкониятдан фойдаланиб, богта водопровод қурувдиган тортишди. Чўйхона қурилишини ҳам биринчи бўлиб бошлаб бердилар. Вилоти ҳокимлиги бу гўшани бунёд этишга тadbиркор ва тижоратчилардан ҳам жалб қилди. Биринчилардан бўлиб уругтлик Тадибиркор Эшпўлат Исмоилов бу давлатга қўшилди. Уругт туман ҳокимлиги унинг ташаббусини қўллаб-қувватлади, тadbиркорга амалий ёрдам кўрсатди. Нати-

марқанд шаҳар ободончилик бошқармаси мутаасиди. Бошқарма ходимлари богда олиб борилаётган юмушларни кўздан кечириб, барча ишларга бош-қош бўлишмоқда.

Чўпонота боглари маъмуриятини ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном, ҳаётининг ўттиз йиллини боғ яратишга бағишлаган фидойи инсон Маматкул Жўраев бошқаришмоқда. У тунку кир-адир кезадди, ҳар бир қўчатни меҳр-муваззаб билан парвариллашга интилади. Бой тажрибаси ва билимининг бошқаларга эринмай ўргатади.

— Бу ишлардан соҳибқирон бобомизнинг руҳи хош бўлса эса савдо-тижорат ймаракиси кечю кундуз ишлаб турибди. Демак, туманлар, шаҳарлар кураётган чўйхоналар, меҳмонхоналар бозорга келган дехқон соҳибқор, чорвадорларга хизмат қилади. Бунинг савобига нима ета-сини! Шу боисдан Чўпонота қирларини боғу бўстонга, чинакам дам олиш масканига айлантириш учун ҳар кун 500-800 киши хашарга чиқмоқда. Режага қура Чўпонота адирликларининг энг баланд жойида Озоодлик ёдгорлиги қад кўтарайди. Ёдгорлигини бунёд этиш бўйича танлов эълон қилинган, махус ҳайрат иш олиб бораётди.

Ҳа, Чўпонота қирлари яқин вақт ичида гўзаллик ва латофат рамизига айланиши аниқ, Самарқандликлар тоғу тошларда бог яратиб, мустақиллигимизга дастурхон тўкин-сочини бўлади. Бундан ҳам савоб, бундан ҳам хайрли иш борми дунёда? Шуларни ўйлаб одамнинг кўнгли ўсади, заъаб-шаваб билан ишга киришади.

Чўпонота богларининг айланаси тўрт километр. Бу халқга икки қатордан мевали дарахт кўчатлари экилди, тўрт-беш йил-

Спорт НАВРУЗБУЛОҚДА МОТОПОЙГА

Жиззах вилоятидаги «Наврўзбулоқ» трассасида мотокросс бўйича Ўзбекистон чемпионатининг финал қисми ҳамда «Жиззахская правда» газетаси саврини учун мусобақа бўлиб ўтди. Бу йил 17-мартга ўтказилган ушбу мусобақа Амир Темури туманидан кунинг 660 йиллиги ва Галабанинг 50 йиллигига бағишланди.

Республика мудофаата кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ва вилоти ҳокимлиги мусобақанинг ташкилотчилари бўлишди. Унда Россия, Туркменистон ва юртимиз мотоспорт усталари шахсий ва жамоа ҳисобида голиблик учун баҳо олиб боришди. Мотокроссининг 5 тонналик бўйича олиб боришган мусобақалари В. Горчаев (Тошкент), С. Анпаев (Туркменистон), С. Қонун (Навоий), А. Сувор, В. Қондрашов, А. Холдеев (узлашсан ҳам Зарафшондан), Ю. Бачкарёв (Тошкент), П. Лисовалов (Туркменистон) каби мотокроссчилар шахсий кўрсаткичлар бўйича юқори натижалар кўрсатишди.

Жамоа ҳисобида зарафшонликлар биринчи, навоийликлар иккинчи, Самарқанд вилоти яқинидаги мотокроссчилари учинчи ўринни эгаллашди. Май ойида Наврўзбулоқда Марказий Осиё кубогини ушбу шувий мусобақа ўтказиш режаляштирилган. Раҳматилла ЮНУСОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатичи мухбири.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқаро 33-07-48; Қишлоқ ҳўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Аxbот 36-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.